

Инсон шаъни — муқаддас, унга дахл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Трансмиллий жинойтчилик тусини олган одам савдоси деб аталмиш қабих иллат бугунги кунда кенг жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солаётган долзарб муаммолардандир. Жинойтнинг ушбу тури — инсонни унга тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларидан маҳрум этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида одам савдоси қурбонларининг сони катта ёшлилар орасида ўртача 20 миллион, вояга етмаганлар орасида 13 миллион нафарга етган.

Афсуски, бу қабих иллатнинг инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишдан бошқа ҳам хавф-хатарли жиҳатлари бор. Хусусан, одам савдосидан тушаётган даромад халқаро жинойтчилик, жумладан, терроризмни молиялаштирувчи асосий манбалар сирасига киради.

Шунингдек, дунё бўйича бир йилда одам савдоси билан боғлиқ 6 мингга яқин жинойт иши судларда кўрилмоқда. Бу ҳам озмунча рақам эмас. Аммо трансмиллий хусусият касб этган ушбу жинойтнинг олдини олиш чоралари кўрилаётган бўлса-да, сайёрамизнинг қай бир пучмоқларида урчиётган бу жинойий қилмиш одам савдоси қурбонлари сонининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Аслида, меҳнат қилиш — инсоннинг табиий эҳтиёжи. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун инсон ўзига қулай иш ва шароит яратишни истади. Меҳнат ортидан эса, ўзи ва оиласи яхши яшаши учун зарурий имкониятларни ҳозирлайди. Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган даврда юртимизда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва меҳнатга яраша ҳақ тўлашнинг қонуний асоси ҳамда аниқ тартиб-қоидалари яратилди.

Айниқса, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда бир

миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, истиқлол йилларида юртимизда одам савдосига қарши курашишнинг мустақкам ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялари ратификация қилинди.

Бундан ташқари 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида эса, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор устувор вазифалар қатъий белгилаб берилди. Мазкур қарор асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилгани шулар жумласидандир.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганидан сўнг амалдаги Жиноят кодексига одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий нормалар янада такомиллаштирилди.

Суд амалиётидан кўришиб турибдики, одам савдоси сингари қабих қилмишга қўл урган кимсаларнинг жинояти ҳеч қачон очилмасдан қолмайди. Айбдорлар ўз қилмишларига яраша қонун олдида ҳамиша ва муқаррар жавоб беради.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилиб, ўша ерда рўйхатда турган, ҳозирда вақтинчалик Самарқанд туманида яшаб келаётган Д.Сандибоевага (исм-шарифлар ўзгартирилди) доир жиноят иши кўриб чиқилди. Аввалдан айтиш керак, бирон жойда қўним топиб ишламаган, оилали, икки фарзанднинг онаси Д.Сандибоева муқаддам одам савдоси ва шахсни қонунга хилоф равишда чет элга чиқариш жиноятларини содир этиб, суднинг қора курсида ўтирган.

Нопок йўлга қадам босиб, ҳаром лукмадан ҳазар қилмаган Д.Сандибоева жиноий қилмишлари учун қонуний ва адолатли жазо олган. Қонунларимиз инсонпарварлик, бағрикенглик каби миллий ва

умуминсоний тамойилларга йўғрилган бўлиб, айниқса, аёлларга кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан Д.Сандибоева ҳам четда қолмаган. Унга нисбатан тайинланган жазо шартли синовга алмаштирилган, амнистия актлари қўлланилган.

Аммо ҳалол меҳнат эвазига кун кечириш ўрнига нопок йўлни танлаган Д.Сандибоева ўзига кўрсатилган меҳр-мурувват, кечиримлиликдан тўғри хулоса чиқармаган. У ўзининг таниши билан (ишнинг бу шахс жинояти билан боғлиқ қисми алоҳида иш юритувига ажратилган) яна одам савдоси ва шахсни қонунга хилоф равишда чет элга чиқариш жиноятларини содир этиш мақсадида, ўзаро жинойий тил бириктирган.

Биринчи босқич суди судланувчи Д.Сандибоевани Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "г" банди ва 25, 223-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Судланувчи хавfli рецедивист бўла туриб, такроран одам савдоси жиноятини бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жинойий тил бириктириб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб тузилган жинойий режага кўра, амалга оширган.

Суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралда қабул қилинган "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори раҳбарий тушунтиришларига амал қилди. Яъни Д.Сандибоева содир этган жинойий қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасини, унинг жазосини енгиллаштирувчи ва ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни инобатга олди.

Суд Д.Сандибоеванинг хулқини жамиятдан ажратмасдан қайта тузатиш имконияти мавжуд эмас, деб эътироф этди. Судланувчига нисбатан ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо тайинланиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, узил-кесил беш йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Алқисса, Д.Сандибоева қилмишига яраша жазосини олди. Яхшиямки, унинг домига тушган юртдошларимиздан бири — Ф.Бобоева хушёрлик қилди. Акс ҳолда, бир бегуноҳ аёл одам савдосининг қурбонига айланарди.

Атрофга зийрак кўз билан қараган одам хориждан бахт излаб, саробга йўлиққанларга кўп бора дуч келади ва бундан вақтида ибратли хулоса чиқаради. Эътибор қилсангиз, ёлғончи кимсанинг алдовига

учиб, ишга борганларнинг ҳеч бири бойиб кетган эмас. Аксинча, бебаҳо соғлиқни йўқотиб, қимматли вақтини бой бериб, оғир ва тузалмас хасталикларга дучор бўлиб, уйларига қайтишган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, трансмиллий жиноят саналган одам савдосининг қабих тўрига тушиб қолмаслик, алдовларга учмаслик бу жинойий қилмишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида ҳимоялаш орқали эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан бунёд этишдек эзгу ишга муносиб улуш қўшган бўлади.

Зафар ФАЙЗИЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" мухбири